

Ташриф



— Соҳибқирон бобомиз айтганларидек, миллатнинг дардига дармон бўлайлик, — дейди Турсунбой Адашбоев ҳажвчилар даверасида.

«Кулинг, дўстлар, умрингиз узаяди», дегувчилар жуда ҳақ. Ошпада кулгусиз рўзгор бўлмайди. Хизмат вазиффаларини бажариш чоғида дилдан чиқадиган бир қаҳҳаҳа ишларимизнинг юришиб кетишига сабаб бўлади. Кулгусиз умргузаронлик қилиш мушкул. Шу боис ҳам ўзбек халқи кулгун, аскияни яхши кўради. Шундай деймиз, лекин очикдан-очик тан олиш керак, кейинги пайтларда журналистика соҳасида, газета, журналларимизда кўпчилик отага тушади, эл эътиборини тортади, том маънодаги фельетонлар, ўткир памфлетлар, ҳажвий асарлар камлиги кўзга ташланапти. Ута жиддийлашганимиз тайёрлаётган материалларимизда ҳам, чиқараётган газета сонларимизда ҳам сезилмоқда, мухлисларимиз «газетада кулгу кам», «ҳажвийлар берилмапти», деб эътирозлар билдиришмоқда. Газетхон фикри, мулоҳазаси биз, журналистлар, учун жуда қимматли. Шу сабаб куни кеча «Жалқ сўзи» тахририятида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад бошчилигидаги бир гуруҳ ҳажвчи-ёзувчилар Неймат Аминов, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев, Саид Анвар, Ориф Фармон, Илҳом Зоирлар меҳмон бўлишди.



Ориф Фармон: — Кулги — фикрни етказишнинг энг маъқул йўли.

Ҳажв усталари тахририят меҳмони



— Турмушимизда учраб турадиган камчиликларга қарши бирга курашамиз, — дейди ҳажвчилар кенжатоғи Саид Анвар.

ёзувчиларнинг нима иш қилаётганини ҳеч қим, ҳатто адабиётшунослар ҳам билишмапти. — дея гап бошлади ёзувчи Саид Аҳмад. — Ҳозирги адабиётнинг халққа ёйилиши қийинроқ кечаяпти. Шундай пайтда вақтли матбуот саҳифаларида ўз ижодимиз намуналари билан кўриниш, бу — бизларга катта имконият демак. Бугун газета, журналлар, тўғриси айтиш керак, кичик фельетонлар, ҳажвнинг ўткир тиғи билан айтиладиган гаплардан холи бўлиб қоляпти. Шу кунги газетхон учун эса бу жуда зарур. Бундай ишни биз, ҳажвчилар қилишимиз керак, аслида. Шу маънода, бугунги тўпланишимиз ишмизнинг бошланғич бўлса дейман...

қисқариб борапти. Матбуот саҳифаларида уларнинг ижодларидан намуналар, пародиялар, қарош алабётлардан таржима бериб бориш ҳам фойдалан холи бўлмасди. Чунки газетхонлар бундай нарсаларга ҳозир жуда муштоқ. Тахририятта кўлаб шикоят хатлари келади, шикоятчилар ҳам инчунун. Баъзан уларни умумлаштириб, шикоятлар изидан бориб, уларни текшириб, муаммоларни материаллар тайёрлаш мумкинлиги ҳақида гап бораётган экан, давра қатнашчилари халқ шоири Анвар Обиджон, ёзувчи Ориф Фармонлар бундай вазифаларни бажаришда журналистларга ҳаминша камарбаста эканликларини таъкидлашди.



— Ҳаётнинг ичига кириб, эл ташвиши билан яшашимиз керак, — деди Анвар Обиджон.



Илҳом Зоирон: — Муаммоларни ҳажв йўли билан таҳлил қилсак, таъсирчанлик ошади.

— Устознинг гапларида жон бор, — дея сўхбатга қўшилди халқ ёзувчиси Неймат Аминов. — Одамлар бугунги кунда янгиликка ташна. Уни ўқувчи гап йўсинга тақдим этти эса ижодкор маҳоратига бонглик. Тўғри, ўткир фельетон, танқидий мақолалар ёзиш анча мушкул. Бугунги кун журналистларида эса тараққиёт талабиди жасорат етишмаётгани ҳам сир эмас. Шунини айтиш керакки, адолатни тиклашга кўмаклашувчи, одамлар қорига ярагувчи, ҳаётимиздаги нуқсон, камчиликларни кулгу тиғи билан фой этувчи ҳар бир ҳажв остида катта гап ётади. Уларга қаловини топиб ёндоқилса, ўйламанки, ниятимиз вожиб бўлади.

Давра сўхбатига қатнашган Саид Анвар, Илҳом Зоирлар газета саҳифаларида «кулги пайдо бўлиши» учун ўз «табассум, ханд»ларидан, озми-кўми, улашиб туришининг ваъдасини ҳам беришди. Самимий ҳазил, қиттак аския аралаш ўтган сўхбатда ҳар бир газетда ҳажвчиларнинг ўз саҳифаси бўлса, кези келганда шабаб фельетонлари, журналист текширувлари, митти таҳлиллар кўзга кўринган ҳажвчи-ёзувчилар томонидан тайёрлана ўзбек ҳажв мактабининг ривожига катта улуш қўшилиши

бўлур эди, деган фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди. Шунингдек, газета йўлнамаси билан бориб, жойлардаги ноҳуш ҳолатларни ўрганиш, фаровон ҳаётимизга тўғаноқ бўлгувчи иллатларни фойш қилиш, бир сўз билан айтганда, муаммоларни ҳажвчи назардан ўтказишда ижодкор ҳажвчиларнинг роли бениҳоя катта эканлигини меҳмонларимиз ўзлари алоҳида таъкидлашди. Бу борда газетанинг таянчи, дастёри бўлиш ниятлари борлигини ҳам яширишмади. Демак, газетхонларимизга кулгу, хурсандчилик, яхши хайфият улашиш ниятимиз рўзба чиққай, иншооло.

Кези келганда, бир гапни таъкидлашни лозим топдик. Ўзбек адабиётида ҳажвчиларнинг ўрни бир бошқа. Улар, аслида, ёзувчи-публицистлар. Ҳаётимиздаги муаммоларни иллатларни ҳажвчи кўзи билан кўриб, публицистик ақл-зақоси, теран фикри ила англаб, уларнинг фойри бўлишига интилишади. Халқнинг тили учидан турган гапларни кулгу либосига ўраб-чирмаб айта олишади. Ниятлари эса холис: ҳаётимиз, турмушимиз янада яхшиланса, ноҳақликлар бўлмаса, асабларимиз чарчамаса, бедара, бешикаст юрак, яхшилик қўлимиздан келмаганда, ҳеч бўлмаса ёмонликни бирова раво кўрсасак... Кўз кўзга тушганда меҳр товланади, дегувчилар ҳам ҳақ-да. Ижодкорлар дилларида тўпланиб ётган дардлари, ҳеч қим билан бўлишмай юрган ўйлари ҳақида самимий сўз юритдилар. — Очига, кейинги пайтларда

Наманган шаҳар, Амир Темуր кўчаси, 105-уйда жойлашган

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИНИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотларини қуйидаги объектлар бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади:

Т/р	Объект номи ва жойлашган манзили	Қуввати	Топшириш муддати
1.	Янгиқўрган туман «Пароман» ширкат уюшмасидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти»	50 қатнов	120 кун
2.	Чортоқ туман Қорабоғ қишлоғидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти»	50 қатнов	120 кун
3.	Тўрақўрган туман Шаҳанд қишлоғининг Олчин маҳалласидаги «Қишлоқ шифокорлик пункти»	50 қатнов	120 кун
4.	Уйчи туманидаги 12-КХБЮни касб-хунар коллежига мослаштириш	600/100 ўринли	2001 йил 15.08.

Қурилиш Наманган вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармасига ажратилган давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан олиб борилади. Қурилишни олиб бориш муддати 120 кун.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларига, ишончлилигига, тажрибига ва нуфузига, зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа моддий-техника ресурсларига эга бўлиш, шунингдек, шартнома (контракт) тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиши учун сўров билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича Республика бошқармасининг Наманган вилоят филиалига қуйидаги манзил бўйича:

Наманган ш., А.Навой кўча, 36-уй (Матбуот уйи), 4-қаватга, 2000 йил 10 декабрдан, иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин. Телефон/факс: (8-36922) 6-14-50.

Бир комплект тендер ҳужжатларининг нархи 15000 сўмни ташкил этади. Оферталарни савдо ташкилотчиси 2000 йил 15 декабр соат 9.00 гача локорида кўрсатилган манзили бўйича қабул қилади.

Оферталарнинг очилиши 2000 йил 15 декабрдан 20 декабргача белгиланган. Манзил: Наманган ш., Навой кўчаси, 36-уй (3-қаватдаги мажлислар зали).

«Жалқ сўзи» газетасининг 2000 йил 7 ноябрдаги 222 (2519)-сонда чоп этилган Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат шўба корхонаси 2000 йил 7 декабрда мактабгача болалар муассасаларини танлов савдолари орқали сотиши ҳақидаги эълонда реклама берувчи томонидан чалқашликка йўл қўйилган.

164-сонли болалар бөччаси манзилида «Сарикўл» кўчаси ўрнига Фитрат кўчаси, 405-уй ва бошланғич дарх 6777826 сўм ўрнига 6947271 сўм деб ўқилсин.

166-сонли болалар бөччасининг бошланғич нархи 8356356 сўм ўрнига 8650898 сўм деб ўқилсин.

БИЗНИНГ МАХСУЛОТИМИЗ — БУ ЮКСАК СИФАТ КАФОЛАТИ.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ҚУЙИДАГИЛАРИНИ СОТАДИ:

- КАБЕЛЬ УТКАЗГУЧ МАКСУЛОТЛАРИ
- ЕРИТКИЧЛАР
- КАМБАЛАР
- ИЛГЎН ВА УЗУН ХИРЧИЛДАН ТУРАН ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МАХСУЛОТЛАРИНИ ШАРТНОМАВИЙ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР.

Тел/факс: +998 711 136 01 54; 133 12 04

«ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

2000 йил 3 ноябрдан Республика акциядорлик-тижорат «Gallabanki» нинг акциялари листинг корхоналар категориясининг А гуруҳ тоифаси бўйича Биржа расмий рўйхатига киритилди.

НИЗОМ ЖАМФАРМАСИ — 1.700.000.000 СЎМ

АКЦИЯЛАР СОНИ — 17.000.000 ДОНА

НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ — 100 СЎМ

Кўшимча маълумотлар олиш учун биржа тел.: **136-74-62, 136-76-13.**

Кўшимча маълумотлар олиш учун банк тел.: **133-34-26, 132-06-13, 133-24-86.**

«ЎЗБЕК ИПАГИ» ҚОШМАСИ

БАРЧА МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАРИНИ

«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ИПАК МАХСУЛОТЛАРИНИНГ

2001 ЙИЛ УЧУН УЛГҲРЖИ САВДОСИ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КЎРГАЗМАДАГИ САВДОГА УЮШМА КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЖАМИ 9 МЛРД. СЎМЛИК МАХСУЛОТЛАР ҚЎЙИЛАДИ.

КЎРГАЗМА 2000 ЙИЛ 20 НОЯБРДАН 23 НОЯБРГАЧА «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» АЖ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 41 (собик «Алпомиш» спорт саройи)

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВГА ШОШИЛИНГ!

2000 йил 22 декабр соат 11.00 да

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат унитар корхонаси

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани худудий тиббий бирлашмасига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сухайл кўчаси, 21-уйда жойлашган умумий майдони 1824,3 кв.м бўлган 1 - болалар туберкулёз санаторийсининг бино ва иншоотларини танлов савдолари орқали сотади, бошланғич нархи - 4174682 сўм.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Сотиб олинаётган объектнинг даволаш ва соғломлаштириш муассасаси сифатида фаолият йўналишини ўзгаришсиз сақлаш.
2. Бино ва иншоотларни амалдаги меъёр ва андозаларга мувофиқ равишда қайта тиклаш ва таъмирлаш.
3. Муассаса худудини санитария ва ёнғинга қарши меъёрларга мувофиқ ҳолда сақлаш ва ободонлаштириш.
4. Таъсисчилар низомида тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳақидаги банднинг мавжудлиги.
5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш.
6. Кам таъминланган оилалар болаларига имтиёзли хизматлар кўрсатиш.
7. Хайрия ёрдамлари бериш.
8. Объектнинг нархи бўйича таклиф.

Шар. шўба қатнашиш учун ҳужжатлар қишб тўғри тиклаш кунда бош-лаб қабул қилинади ва тендер ўтказиш кунидан 48 соат олдин нўфусланган.

Кўшимча маълумотлар учун Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат шўба корхонасига, қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Новароуннаҳр» кўчаси, 16-«А»-уй. Тел.: 144-60-51, 144-53-50, 139-10-74.**

Ўзбекистон телевидениеси жамоаси «Тошкент» телеканали «Пойтахт» Бош муҳарририяти муҳаррири Дилшод Назировга отаси **Бақодир НАЗИРОВ**нинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси раҳбарияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Марказий қўмитаси юк ташини ва тижорат ишлари хизматининг собиқ бошлиғи фахрий темирйўлчи **Олим ЁҚУБОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки «Узсаноатқурилишбанк» жамоаси Активлар ва пасивлар бошқармаси бўлим бошлиғи **Боқижон ТОШПЎЛАТОВ**нинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки раҳбарияти банкнинг Қашқадарё вилояти бўлими бошлиғи Э. Ч. Туроповга онаси **Ҳидоят ая ЖАББОРОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ бўлим мудир, қишлоқ хўжалик фанлари номзода, Ўзбекистонда изомат кўрсатган агроном **Абдураҳмон КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Электротехника алоқа институти жамоаси кафедра мудир Уктам Эгамовга онаси **Ҳожар ая ХОЛМАТОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

